



# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

REPUBLICAN SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE



Volume: 2 Issue: 4

## ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНинг ФУНКЦИЯЛАРИ, АМАЛ ҚИЛИШИНинг ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мухаммедова Зарина Муродовна  
*Самаиси докторантни*

**Аннотация:** мақолада хизматлар соҳасининг функциялари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси тушунчасининг моҳияти очиб берилган.

**Калит сўзлар:** хизматлар соҳаси, тижорат ва нотижорат хизматлар, хизмат кўрсатиш соҳасининг функциялари, иқтисодий функциялар, ижтимоий функциялар.

Хизматлар соҳасининг функцияларини ёритишдан олдин, биринчи галда, “хизматлар соҳаси” тушунчасининг моҳиятини англаб етиш керак. Илмий адабиётларда ушбу тушунчанинг моҳиятини очишга қаратилган бир неча ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди. Хизматлар соҳасининг функциялари, амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа шу каби назарий масалаларни тадқиқ этишдан олдин “хизматлар соҳаси” (хизмат кўрсатиш соҳаси) тушунчасининг моҳиятини очиб бериш зарур.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “хизмат” тушунчасига изоҳ келтирилган. Унда: “Ушбу тушунча хизмат, иш, меҳнат, хизмат кўрсатиш, ёрдам” тариқасида талқин этилган. Лекин, ушбу луғатда “хизматлар соҳаси” (хизмат кўрсатиш соҳаси) тушунчасига изоҳ ўз аксини топмаган.<sup>1</sup> Иқтисодиёт атамаларининг изоҳли луғатида “хизмат кўрсатиш соҳаси” тушунчасига қўйидагича изоҳ берилган: “Хизмат кўрсатиш соҳаси – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалар”.<sup>2</sup> Дарҳақиқат хизматлар соҳаси тармоқларида яратилган ноз-неъматлар моддий кўринишга эга бўлмасада, улар худди буюмлашган товарлар сингари истеъмол қийматига, яъни нафлийликка эгадирлар. Бироқ, ушбу таърифда хизматлар соҳасида ишлаб чиқарилган ноз-неъматлар, яъни хизматлар кимларнинг эҳтиёжини қондиришга мўлжалланганлиги ўз ифодасини топмаган.

Ундан ташқари таърифнинг мазмунига синчиковлик билан назар ташласак, “Хизматлар соҳаси ... йўналтирилган соҳалар” сифатида талқин қилинганлиги аён бўлади. Бундан, хизматлар соҳаси бир неча соҳалардан

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Давлат миллий нашриёти. 2008. Б. 395. // <https://ziyouz.com>

<sup>2</sup> Иқтисодиёт атамаларининг изоҳли луғати. – Т.: Илмий оммабоп нашр. 2022. – Б. 382. // <https://anyflip.com>



# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

REPUBLICAN SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE



Volume: 2 Issue: 4

таркиб топган бўлиши лозим бўлади. Лекин, соҳа таркибида яна бир неча соҳаларнинг бўлиши мантиқга тўғри келмайди, “хизматлар соҳаси” тушунчасининг моҳияти эса очилмай, мавхумлигича қолаверади.

Ундан фарқли равишда Россиянинг катта энциклопедиясида “хизматлар соҳаси” тушунчасига қуидагича таъриф берилган: “Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг барча турдаги тижорат ва нотижорат хизматларини ўз ичига олган қисми бўлиб, корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ҳар хил турларини такрор ишлаб чиқаришни қамраб умумлаштирувчи тушунчадир”.<sup>3</sup> Бизнинг назаримизда, ушбу таърифда “хизматлар соҳаси” тушунчасига изоҳ беришда анча жиддий ёндашилган. Хусусан, унда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг таркибий қисми эканлиги, соҳада турли-туман хизматларнинг такрор ишлаб чиқарилиши қайд этилганлиги, энг муҳими, хизматлар соҳасининг бир неча таркибий қисмларини қамраб умумлаштирувчи тушунча эканлигининг эътироф этилганлиги, дикқатга сазовор.

Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг учламчи сектори сифатида бир қатор муҳим функцияларни бажаради. Масалан, айrim адабиётларда ушбу соҳанинг асосий функциялари сифатида қуидагилар ажратиб кўрсатилган: такрор ишлаб чиқариш, ижтимоий-коммуникацион, номутаносибликларни текислаш, табақалантириш ва интеграциялаш.<sup>4</sup> Бизнинг назаримизда, хизматлар соҳасининг функцияларини очишда ушбу ёндашувда соҳанинг замонавий иқтисодиётдаги роли ҳамда амал қилиш хусусиятлари, постиндустриал жамиятни шакллантириш борасидаги бир қатор муҳим вазифалари ўз аксини топмаган.

Бизнингча, хизмат кўрсатиш соҳасининг функциялари бошқа бир манбада анча мукаммал ёритилган. Унга мувофиқ, хизматлар соҳаси бажарадиган функциялар таркибида иқтисодий ва ижтимоий функцияларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Унда хизматлар соҳасида 3 та иқтисодий ва 4 та ижтимоий-функциялар мавжудлиги таъкидланган.<sup>5</sup>

## 1.Иқтисодий функциялар.

Моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат кўрсатиш;

<sup>3</sup> Большая российская энциклопедия: / гл. ред. Ю.С.Осипов. – М.: Большая российская энциклопедия. 2017. // <https://ru.wikipedia.org/wiki>

<sup>4</sup> Еременко А.Е. Функционал сферы услуг в условиях современной экономики России // Стратегия развития экономики. 2014. № 23 (260). С. 27-31. // <https://cyberleninka.ru/article/n>

<sup>5</sup> <https://studfile.net/preview/5880066/page:2/>



# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

REPUBLICAN SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE



Volume: 2 Issue: 4

- Ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш (масалан, таълим ва маориф муассасаларининг хизматлари);

Узоқ муддатли хизматга мўлжалланган предметларни буюртма асосида ишлаб чиқариш ёки уларнинг йўқотилган истеъмол қийматини тиклаш орқали қўшимча моддий неъматлар яратиш. Ушбу функцияни майший хизмат шохобчалари бажаради.

## 2. Ижтимоий функциялар.

аҳолининг ҳар хил хизмат турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш; уй-коммунал ва майший хизмат ташкилотлари фаолияти ёрдамида уй хўжаликларида меҳнат сарфларини камайтириш ва меҳнат шароитларини яхшилаш; маданий-тасвирий муассасалар хизматлари ёрдамида аҳоли бўш вақтидан оқилона фойдаланиш; давлат хавфсизлиги ва давлат органларининг меъёрда амал қилишини таъминлаш.

Ўйлаймизки, хизматлар соҳаси зиммасига юқлатилган вазифаларни бу тарзда иқтисодий ва ижтимоий турларга бўлиш замонавий иқтисодиёт шароитида унинг жамиятни бошқариш ва ривожлантиришдаги алоҳида ролини тўлароқ тавсифлаш имкониятини беради. Лекин, айни пайтда, хизматлар соҳаси функциялари таркибида соҳа томонидан бир қатор асосий муҳим функциялар тадқиқотчи эътиборидан четда қолиб кетган.

Бизнинг фикримизга кўра, хизматларнинг энг асосий иқтисодий функцияси – турли-туман хизматлар ишлаб чиқариш ва истеъмолчига тақдим этиш асосида мамлакат иқтисодий салоҳиятини, яъни ЯИМ ҳажмини шакллантиришдан иборат. Бошқача сўзлар билан ифодалаганда, хизматлар соҳасида катта ҳажмдаги қўшимча қиймат яратилади, у моддий ишлаб чиқариш соҳалари сингари, ноз-неъматларга бўлган аҳоли эҳтиёжларини қондиришда ва миллий бойлик яратища фаол иштирок этади. Олдинги параграфда таъкидлаганимиздек, Ўзбекистонда ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улуши 41,5 фоизни<sup>6</sup> ташкил этади, ривожланган мамкатларда эса у 80,0 фоизгача<sup>7</sup> етган. Шу сабабли, бизнингча, турли-туман хизматлар ишлаб чиқариш асосида иқтисодий ўсишга ўзининг муносаб ҳиссасини қўшиш ушбу соҳанинг энг асосий иқтисодий функцияси сифатида қаралиши лозим. Айни пайтда, моддий

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>7</sup> OECD Statistics/Labour Force Statistics. URL: <http://stats.oecd.org/>



# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

REPUBLICAN SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE



Volume: 2 Issue: 4

негативлар ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат кўрсатишни соҳанинг мустақил функцияси сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, бундай вазифа хизматлар соҳасининг асосий иқтисодий функциясида, яъни ЯИМ яратиш функциясида ўз аксини топган. Худди шундай сабабларга кўра, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш (масалан, таълим ва маориф муассасаларининг хизматлари) вазифаси ҳам соҳанинг мустақил функцияси сифатида қаралиши мантиқга зид, деган хуносага келдик.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Akhmedova, A. T. (2023). THE ESSENCE OF SOCIAL ENTREPRENEURSHIP AND THE ROLE IN SOCIETY. Miasto Przyszłości, 42, 364-366.
2. Akhmedova, A. T. (2023). IMPACT OF BUSINESS ACTIVITY ON THE FINANCIAL RESULTS OF THE ENTERPRISE. World of Scientific news in Science, 1(1), 161-165.
3. Akhmedova, A. T., & Rasulovich, Z. J. (2023). PROBLEMS OF A COMBINED INSURANCE POLICY CIVIL LIABILITY. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 3(12), 118-120.
4. Ахмедова, А. Т. (2023). ВЛИЯНИЕ ФИНАНСОВОГО МЕХАНИЗМА НА ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО БИЗНЕСА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОГО СУБЪЕКТА. "Экономика и туризм" международный научно-инновационной журнал, 5(13).
5. Rasulovich, Z. J., & Akhmedova, A. T. (2022). Trends in the Economic Condition in the Conditions of the Recovery of Economic Activity. International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development, 4(4), 57-60.
6. Akhmedova, A. T. (2021). Innovative strategic system management of the enterprise. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 10, 52-55.
7. Ahmedova, A. T. (2020). System of innovative business strategic management of the enterprise. Middle European Scientific Bulletin, 4(2020), 10-13.
8. Akhmedova, A. T., & Shukhratovna, N. A. (2023). FINANCIAL ASPECTS OF DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ACTIVITIES IN SERVICE ENTERPRISES. American Journal of Public Diplomacy and International Studies (2993-2157), 1(8), 151-153.
9. Ахмедова, А. Т. (2023). ФИНАНСОВЫЙ АНАЛИЗ И ЕГО РОЛЬ В ОЦЕНКЕ ДЕЛОВОЙ АКТИВНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ. Analysis of world scientific views International Scientific Journal, 1(2), 114-122.
10. Ахмедова, А. Т. (2023). ИНФРАСТРУКТУРА РАЗВИТИЯ ФИНАНСОВОГО РЫНКА В УЗБЕКИСТАНЕ. Analysis of world scientific views International Scientific Journal, 1(2), 123-129.



# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

## REPUBLICAN SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE



Volume: 2 Issue: 4

11. Мухаммедов, М. М., & Асланова, Д. Х. (2020). Экономическая политика Амира Тимура и развитие производительных сил Узбекистана в эпоху правления Тимуридов. Проблемы современной науки и образования, (5 (150)), 30-36.
12. Мухаммедов, М. М., & Исхакова, С. А. (2022). Усиление влияния материального стимулирования на конечные результаты труда научных работников. Экономика труда, 9(3), 639-654.
13. Шодмонов, Ш., Мухаммедов, М., & Камилова, Н. (2021). Экономическая теория. Учебник. Т.: Иктисадиет-Молия.
14. Muhammedov, M. M., Vafaev, I. B., & Murodov, S. F. (2021). Problems and Prospects of Agriculture in Uzbeksitan. European Journal of Agricultural and Rural Education, 2(7), 15-17.
15. МУХАММЕДОВ, М. М., & ИСХАКОВА, С. А. (2023). ЗАНЯТОСТЬ КАК ВАЖНЕЙШИЙ ФАКТОР СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ. ЭКОНОМИКА, 10(6), 951-965.